

Миннатдорчилик хати

“QIRGULI KOMMUNAL SERVIS”

МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ

Farg'ona shahri, Yangi asr ko'chasi, 138 d. Tel: (+998 73) 242 40 22 <https://cleancity.uz> E-mail: elyor_a@live.ru
Tashqi Iqtisodiy Faoliyat «Milliy banki» Farg'ona filiali, MFO: 00493, x/r: 20208000705025611001, INN: 302527970

«08» май 2018 йил. № 44

Ўзбекистон Савдо-саноат
палатаси раиси
А.И.Икрамовга

Хурматли Адхам Илхамович!

“Qirguli kommunal servis” масъулияти чекланган жамияти томонидан маиший чиқиндиларни ташиб кетиш хизмати кўрсатилаётган Фарғона шаҳридаги 16 та МФЙдан 11 тасида фаолият кўрсатишимизни тўхтатиш хақида Фарғона шаҳар Хокимияти йиғилиш баёнини бекор қилиш мақсадида Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси номидан киритилган “Фарғона вилояти, Фарғона шаҳри хокимлиги йиғилишининг 18.02.2017 йилдаги 52-01-23-сонли ва 15.09.2017 йилдаги 320-01-23-сонли баёнларини хақиқий эмас деб топиш тўғрисида”ги ариза 2018 йил 4 май куни Маъмурий ишлар бўйича Фарғона вилояти, Фарғона шаҳар суди томонидан қаноатлантирилганлигини Сизга маълум қиламиз (суд қарори нусхаси 20 сутка давомида тақдим қилинади).

“Qirguli kommunal servis” масъулияти чекланган жамияти устидан чиқарилган қарорни бекор қилишда амалий ёрдам берганиз ва қўллаб қувватлаганиз учун Сизга, Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси раисининг биринчи ўринбосари И.К.Жасимовга ва Ўзбекистон Савдо-саноат палатасига ўз миннатдорчилигимизни билдирамыз.

“Qirguli kommunal servis”
МЧЖ рахбари:



Э.М.Абдуллаев

